

Шеробод туман Прокурори ташаббуси билан тумандаги 29- сонли умумтаълим мактабида "Биз ватанпарвар ёшлармиз" шиори остида маънавий-маърифий спорт тадбир ўтказилди.



Дастлаб, тадбирда ёшлар томонидан спортнинг қўл жанги бўйича ўқувчилар томонидан тайёрланган бадий ва ҳарбий руҳдаги чиқишлар намоиш этилди. Шунингдек, тадбир давомида спортнинг шахмат, волейбол спорт турлари бўйича ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Тадбир якунида ёшларни ватанпарварлик ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, юрт равнақи ва мамлакат ривожига ўсиб келаётган авлоднинг ўрни қанчалик беқиёс эканлиги таъкидланиб, энг иқтидорли ҳамда турли жабҳаларда ютуқларга эришган намунали ёшлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.